“ФАН , ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ : ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР”



Тўракулова Ораста Улуғбековна
ЎзМУ Жиззах филиали Иқтисод йўналиши 1-босқич талабаси

Ушбу мақолада мактабларда дарсдан ташқари вақтларда ўқувчи қизларни самарали меҳнат билан шуғулланиш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини хаётда татбиқ этиш технологияси ва методлари хақида фикр ва тавсиялар берилган.

Бугунги барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш учун инновацион фаолиятни,фан , таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мактаб ўқувчи қизларнинг замонавий қараш ва

ёндашувлари орқали шакллантириш зарурдир. Замонавий ёшлар билими, ташаббускорлиги, тезкор хараакатлари орқали жамиятнинг юксалиш ва ривожланиши даражасини белгиламоқда. Глобаллашув жараёнида илм -фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали натижаларини кўрсатмоқда. Жамиятимизда ахоли , айниқса ёш қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш биринчи даражали вазифалардан биридир.

Мухтарам юртбошимизнинг “Милиий тикланишдан - миллий юксалиш сари” ғоясини амалиётда қўллаб-қувватлаш, асосида биз таълим-тарбия жараёнида ёшларни она ватанга садоқат рухида тарбиялаш, фидойилик, янгича замонавий фикрлаш, мустақил бўлиш тенденцияларини шакллантирмоқдамиз.

Мактабимиз Андижон туманида жойлашган бўлиб, хозирда 600 нафар ўқувчиларга замонавий технологиялар асосида таълим бериб келмоқдамиз. Мактабимизда ташкил этилган “5 та мухим ташаббус ва айнан шу ташаббуснинг бешинчи долзарб масалага алохида эътибор қаратганмиз. Яъни, “Хотин – қизларни иш билан таъминлаш масаласи”, қизбола ўқувчиларни жамиятда фаол позицияга эга бўлиш мақсадини кўзлаб, “Ёш шоира”, “Дизайнер”, “Мохир чеварлар”, “Мастер тўқувчи” “Пазанда”тўгараклари ташкил этилган. Ҳар хафтада тўгараклар ўзларини янгича тайёрлаган ишларини мактаб ўқувчиларига Галерея шаклида намоийш қилишади. Ёш мохирлар томонидан тайёрлаган махсулотларини ўқувчиларга сотишиб тўплаган маблағларга яна махсулот тайёрлаш учун керакли молларни харид қилишади. Ушбу тўгаракларни ташкил этишда рахбарлик қиламан, уларни мустақил харакат қилишлари учун ҳар бир гурухга бир нафардан мастер, яъни шу сохани мукаммал эгаллаган ўқувчини лидер этиб тайинлаганман. Бу тўгаракларга технология фани ўқитувчиси бош бўлиб вазифа ва топшириқларни олдиндан тайёрлаб қўядилар. Амалга оширга ишларимизни вилоят ва туман мактаблари ўртасида семинарлар орқали тажрибаларимизни оммага ёйиб келмоқдамиз.

Ўта-оналар билан хамкорлик ишлари йўлаг қўйилган, ушбу йўналиш орқали биз ўқувчи қизларимизни нафақат, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга эришдик, балки ўқувчилар ўртасида мулоқот малакаларини шакллантириш, уларни уй ишларини бажаришдаги кўникмаларини ривожлантиришга харакат қилмоқдамиз. Мактабимиз психологи томонидан машғулотлар давомида уларни мулоқот маданияти, ота-она, ака-ука ва опа сингиллар билан муносабатларга киришиш тренингларини шу пайтда ўтказишга харакат қилмоқда. Бу ишларнинг негизида биз қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин дегн фараз бор:

1. Оилада ота –она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларни позитив томонидан ўзгариш эхтимоли бор, машғулотлар давомида миллий ва умуминсоний қадриятларни уларга тушунтириш, айниқса уларга миллий меросимиз бўлган Ҳадислар,ривоятлардан, хаётий воқеликлардан кенг фойдаланиб хаётга ижобий нигшох билан қараш кўникмасини хосил қилади.

2. Умумий ўрта таълим ўқувчи қизларини мамлакат сиёсий хаётининг бўлажак иштирокчилари сифатида тўгаракларда интернет манбалридан фойдаланиб тўгарак фаолиятига оид янги маълумотларни машғулотларда фойдаланиш имкони берилади ва ижтимоий – сиёсий билимларга бўлган эхтиёжини оширишга йўналтирилган фанлар бўйича хам фикрлар алмашилади.

3. Ўқувчи қизлар ўртасида китобга бўлган қизиқишларни ривожлантириш малакаси ҳам шакллантирилади. Ахборот коммуникация маркази рахбари тўгаракларда янги адабиётлар бўйича қизиқарли маълумотлар бериш орқали ўқувчиларни китобга бўлган қизиқишларини ошириш кўникмаси ривожланади.

Зеро, Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлис палаталари ва халққа Мурожаатномасида алохида, таъкидлаб ўтдики, уларнинг фикрлари бугунги давлат сиёсатини исботи деб айтиш мумкин. Уларнинг баёнотида қуйидаги сўзлари фикримни янада ойдиланштиради. “Шарқ донишмандлари айтганидек :**“Энг катта бойлик бу ақл – заковат, ва илм, энг катта меърос бу яхши тарбия , энг**

катта қашшоқлик бу билимсизликдир!” Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва маданият эгаси бўлиш узлуксиз хаётий эхтиёжга айланиши керак. Биз бу йил хотин –қизлар ва ёшларни қўллаб –қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга бутун ақлимиз, кучимиз билан харакат қиламиз.

Литература

1. .См.: Топоров В. Н. Древо мировое.//Мифы народов мира. Энциклопедия- в' 2- х тт. Т. 1. — М., 1991.

2. Салиева, Н. Э. (2022). СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ТЕНДЕНЦИИ ФОРМИРОВАНИЯ МОЛОДЕЖНОЙ ИДЕОСФЕРЫ В РАМКАХ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ. In Инновационные подходы в современной науке (pp. 55-59).

3. Nadirova-Kazan, H. (2023, November). EXPLORING THE CONTENT OF MEDIA LITERACY: A COMPREHENSIVE REVIEW. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 107-110).

4. Jumanazarov, U. U. (2018). METHODS OF TEACH ENGLISH IDIOMS. In International scientific review of the problems and prospects of modern science and education (pp. 70-71).

5. Иванов В. В. Заметки о типологическом и сравнительно-историческом исследовании римской и индоевропейской мифологии.//ТЗС, IV. — Тарту 1969 С. 44-75.

6. См. Лотман Ю. М., Успенский Б. А. Миф — имя — культура//ТЗС, VI. — Тарту, 1973. С. 282-305 или//Лотман Ю. М. Избранные статьи. Т. 1. Таллин, 1992. С. 58-75.